

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

9-сон
(353)
2009 йил
2 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

87. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси» Давлат унитар корхонасининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 февралдаги 48-сон қарори
88. «Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 февралдаги 49-сон қарори
89. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 февралдаги 50-сон қарори
90. «Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 февралдаги 51-сон қарори

91. «Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини босқичма-босқич олиб бориш дастурини фаоллаштиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 февралдаги 52-сон қарори

Бешинчи бўлим

94. «Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига уларга тегишли пахта ёғи, шрот ва шелухани ёғ-мой корхоналари ва уларнинг шохобчаларидан ўз вақтида харид қилишлари учун кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 24 январдаги 2/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1520-1*)
95. «Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси директорининг 2009 йил 20 январдаги 11-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1361-1*)
96. «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг айрим буйруқларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 17 февралдаги 24-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1907*)
97. «Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 9 февралдаги 20, 2009-9-сонли қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908*)
98. «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 февралдаги 21, 2009-10-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909*)
99. «Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

2009 йил 10 февралдаги 1-П, 8-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1910*)

100. «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 30 январдаги 2009-05-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911*)

101. «Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус очиладиган ҳисобварағига ўтказиш ва уни ишлатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 3 февралдаги 14, 2009-5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1912*)

102. «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 18 февралдаги 01-02/12-3, 95-юр, 25, 120-В-2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 619-2*)

103. «Банклар ва уларга алоқадор шахслар ўртасида ўтказиладиган операциялар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 23 февралдаги 5/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 556-1*)

104. «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 23 февралдаги 5/1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 557-7*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 21 февралдан 27 февралгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

87 «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси» Давлат унитар корхонасининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги 21-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси» Давлат унитар корхонасининг Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 февраль,
48-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 19 февралдаги 48-сон қарорига
ИЛОВА

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси» Давлат унитар корхонасининг УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси» Давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) тезкор бошқарув учун ўзига берилган давлат мулки бўлган мулк базасида Давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига биркитилган мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти

мақсадларига, Муассис топшириқларига мувофиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Уставга амал қилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзга, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Корхонанинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — «Navoiy» erkin industrial-iqtisodiy zona direktsiyasi» Davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи — «Navoiy» EIZ direktsiyasi» DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной индустриально-экономической зоны «Навои»;

қисқартирилган номи — ГУП «Дирекция СИЭЗ «Навои»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — «Directorate of the free industrial-economic zone «Navoi» State Unitary Company;

қисқартирилган номи — «Directorate of FIEZ «Navoi» SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): 210100, Навоий шаҳри, А. Темур кўчаси, 4-уй.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда Муассис деб аталади) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашчи (аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция давлат бошқа корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

II. Дирекция фаолиятининг предмети ва мақсади

10. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ» деб аталади) фаолиятини, шу жумладан «Навоий» ЭИИЗ-

ни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш йўли билан тезкор бошқариш, «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқий режимга риоя этилишини таъминлаш, шунингдек «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари» деб аталади) хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишлар ва хизматлардан фойда олиш Дирекция фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

11. Қуйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

11.1. Белгиланган тартибда танланган инвесторлар билан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисида битимлар тузиш;

11.2. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

11.3. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритиш;

11.4. Белгиланган тартибда танланган инвесторлар томонидан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш, кейинчалик уларнинг натижаларини «Навоий» ЭИИЗнинг Маъмурий кенгашига (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) тақдим этади;

11.5. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини ижарага бериш;

11.6. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган объектлардаги кўчмас мулкни ўзига берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

11.7. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тезкор бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

Ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолиятнинг қонун ҳужжатларида лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда Дирекция фаолиятининг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

III. Дирекция фаолиятини бошқариш

13. Дирекция Муассисга ва Маъмурий кенгашга ҳисоб беради.

14. Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади, предмети ва турларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

Дирекция томонидан ўзига берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битишувларни ҳаққоний эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекция етказган зарарларни ундириш тўғрисида Дирекциянинг ижро этувчи органига даъво аризаси тақдим этиш.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Маъмурий кенгаш Дирекция фаолиятига раҳбарликни ва уни назорат қилишни, шунингдек «Навой» ЭИИЗнинг мустақил бюджети ҳамда «Навой» ЭИИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади.

16. Маъмурий кенгаш ваколатига қўйидагилар қиради:

«Навой» ЭИИЗни ривожлантириш бўйича Дирекция фаолиятининг стратегик вазифалари ва йўналишларини белгилаш ҳамда «Навой» ЭИИЗни ривожлантиришнинг тегишли ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

«Навой» ЭИИЗнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ҳар йилги инвестиция дастурларини ва бошқа ташкилий-техник тадбирларни тасдиқлаш, шунингдек уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

Дирекциянинг молия-хўжалик фаолиятини ҳар чоракда ўрганишни ташкил этиш;

Дирекция фаолияти тўғрисида ижро этувчи органнинг ҳисоботини ҳар чоракда эшитиш ва тасдиқлаш;

Директорнинг ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини Муассис номидан тузиш ва бекор қилиш;

Дирекциянинг ташкилий тузилмасини ва бошқарув аппарати тузилмасини маъқуллаш;

Дирекциянинг штатлар рўйхатини ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;

ижро этувчи орган фаолияти тартибини белгилайдиган ҳужжатларни тасдиқлаш.

Маъмурий кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Маъмурий кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун Дирекция фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Олинган ҳужжатлардан Маъмурий кенгаш ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

18. Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарликни Маъмурий кенгаш томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор амалга оширади.

19. Директор яқка ижро этувчи орган ҳисобланади.

20. Директор Маъмурий кенгаш билан келишган ҳолда Дирекция ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

21. Директор:

Дирекция ходимлари меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида «Навой» ЭИИЗ бўйича қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини ташкил қилади;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқарувнинг энг янги услубларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекция номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, мамлакатимиздаги ва хорижий барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни ўзгартиради ва тўхтатади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар чиқаради;

Дирекциянинг ички тартибини ва ҳўжалик фаолиятини регламентлайдиган ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

белгиланган мақсадларни, Дирекцияга юкланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

22. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилади.

23. Директор «Навой» ЭИИЗнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджет маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади.

24. Директор «Навой» ЭИИЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этади.

Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек Дирекцияга берилган давлат мулкнинг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

IV. Дирекция устав фондининг миқдори

25. Дирекциянинг устав фонди «Навой» ЭИИЗ фаолиятини тезкор

бошқаришни амалга ошириш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мулклар ва бошқа активлардан иборат бўлади.

26. Дирекция устав фондининг миқдори 4,89 млрд сўмни ташкил қилади.

V. Дирекция устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби

27. Дирекция устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

VI. Дирекция мулкни тасарруф этиш

28. Муассис томонидан Дирекцияга тезкор бошқарув ҳуқуқи билан биркитилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мулкни ташкил қилади.

29. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (ҳиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

30. Маъмурий кенгаш Муассис номидан Дирекцияга берилган давлат мулкidan белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек ўзгага берилишини назорат қилади.

31. Директор Муассис билан келишган ҳолда Дирекция мулкни қуйидаги ҳолларда:

асосий воситаларни сотишда, уларни ижарага ёки гаровга топширишда; мулкни бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига улуш сифатида киритишда;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олишда ва сотишда;

хўжалик жамиятларидаги Дирекцияга тегишли акциялар (улушлар)ни сотишда;

мулкдан Дирекция фаолиятининг мақсадларига номувофиқ тарзда фойдаланилганда тасарруф этиши мумкин.

VII. Даромадларни шакллантириш тартиби

32. Дирекция даромади:

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, Маъмурий кенгаш фойдаланилишида ва бошқарувида бўлган ер участкалари, бинолар ва ишноотларни ижарага топширганлик учун тушумларнинг бир қисми;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

VIII. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

33. Дирекцияда қоладиган соф фойда барча солиқлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Дирекция тасарруфида қолади ва Маъмурий кенгаш қарорига кўра фойдаланилади.

34. Муассис ўз қарори билан мурувват мақсадларига ҳамда бегона юридик ва жисмоний шахсларга хомийлик ёрдами кўрсатишга йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

35. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган зарарларини қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

IX. Захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби

36. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантириш тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

X. Ҳисоботлар тақдим этиш тартиби

37. Дирекция ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

38. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат қилиш Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Директор ҳар чорақда фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Маъмурий кенгашга ҳисоб беради.

XI. Дирекциянинг жавобгарлиги

40. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликни амалга оширади.

41. Дирекция Муассис мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

XII. Дирекциянинг филиаллари ва ваколатхоналари

42. Дирекция Муассис билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам, қонун ҳужжатлари талабларига

риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

43. Дирекциянинг филиаллари ва ваколатхоналари Дирекция томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатади.

44. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган ваколатхоналар ва филиаллар Дирекция томонидан тасдиқланган Низом асосида ҳамда ҳудудида ўзлари жойлашган мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади.

45. Дирекция филиали ёки ваколатхонасининг раҳбари Маъмурий кенгаш билан келишган ҳолда Директор томонидан тайинланади ва улар берган ишончнома асосида фаолият кўрсатади, ишончнома ушбу раҳбар билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда Директор томонидан бекор қилиниши керак.

46. Дирекция томонидан ташкил этиладиган филиаллар ва ваколатхоналарнинг мажбуриятлари бўйича Дирекция жавоб беради.

ХIII. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

47. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

48. Дирекцияни тугатиш унинг фаолиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда тўхтатилишига сабаб бўлади, Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

88

Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон қарорига мувофиқ ҳамда алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик учун назоратни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2009 йил 1 апрелдан бошлаб алкоғолли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларга дизайни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган, ҳимоянинг қўшимча даражаларига эга бўлган янги намунадаги акциз маркалари жорий этилсин.

2. Белгилансинки, эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоғидаги алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб олти ой ўтгач маркаланмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилиши керак.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси:

янги намунадаги акциз маркалари жорий этилишини алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар эътиборига етказсинлар;

ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импорт қилувчиларнинг янги намунадаги акциз маркалари тайёрлашга буюртмалари «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз вақтида жойлаштирилишини таъминласинлар;

2009 йил 1 октябрдан бошлаб эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоғида уларнинг сотилишини аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек ушбу маҳсулотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 8-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида четдан келтириладиган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 февраль,
49-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 20 февралдаги 49-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида четдан келтириладиган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларига акциз маркаларининг дизайни ҳар 2 йилда янгиланган турилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда акциз маркаларининг дизайни алмаштириладиган жорий йилнинг 1 февралигача:

химоянинг қўшимча даражалари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда янги намунадаги акциз маркаларининг дизайнини ишлаб чиқадиладар ва тасдиқлайдиладар;

янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритадиладар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотишга янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб олти ой мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсат берилади.

Эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоқларидаги алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин маркаланмаган ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилиши керак».

2. 8-бандда:

тўртинчи ва бешинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчилар — буюртма берилаётган акциз маркалари сонининг тўлиқ номинал қийматини ва акциз солиғининг барча суммасини»;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 14-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчилар акциз маркаларини акциз солиғини тўлиқ ҳажмда тўлагандан кейин сотиб оладиладар».

4. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз маркалари билан мар-

каланмаган алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқараётган, уларни олиб келаётган ва сотаётган хўжалик юритувчи субъектлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

89 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 29 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 февраль,
50-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 20 февралдаги 50-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомда:

а) 19-банднинг биринчи хатбошидаги «кичик ва ўрта корхоналарни» сўзлари «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 20-банднинг ўн биринчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин: «мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нарх имтиёзлари»;

в) 43-банднинг биринчи хатбошига «белгиланган» сўздан кейин «шунингдек ушбу Низом Х-І бўлимининг талабларига мувофиқ» сўзлари қўшилсин;

г) 55-бандда:

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади»;

тўртинчи-бешинчи хатбоши тегишли равишда бешинчи-олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

д) Х бўлимдан кейин қўйидаги мазмундаги Х-І бўлим қўшилсин:

«Х-І. Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун нарх имтиёзлари берган ҳолда тендер савдолари ўтказишда тендер таклифларини баҳолаш хусусиятлари

60-1. Ушбу Низомнинг 55-банди олтинчи хатбошида назарда тутилган нарх имтиёзлари тендер савдоларига қўйилган ва улар бевосита товар ишлаб чиқарувчилар (ишлар бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) (кейинги ўринларда мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари деб аталади) эканлигини тасдиқлайдиган зарур ҳужжатларни тендер комиссиясига тақдим қилган мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар)га берилади.

60-2. Тендер иштирокчиси томонидан импорт товарлари етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан энг яхши нарх таклиф этилган тақдирда тендер комиссияси мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари таклифлари орасидан кўрсатилган энг яхши нархга камида 20 фоизга оширадиган ва тендер савдолари ва қонун ҳужжатлари шартларига мос келадиган учтагача энг яхши таклифларни танлаб олади. Бунда, қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тендер иштирокчиси томонидан импорт товарлари етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан энг яхши нарх таклиф этилган бўлса мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари таклифларини танлаб олиш учун қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда кўрсатиб ўтилган энг яхши нарх қўлланилади.

Тендер комиссияси бир кун мобайнида танлаб олинган мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан навбатма-навбат уларнинг тендер таклифлари нархларини камайтириш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боради ва музокаралар натижаларини тасдиқлайди. Бунда ҳар бир мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан музокаралар натижалари протокол билан расмийлаштирилади ва голиб аниқлангунга қадар конфеденциал ҳисобланади.

60-3. Мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича қуйидагилар:

мамлакатимизнинг бошқа корхоналари-ишлаб чиқарувчиларига нисбатан — олиб киришда қўшимча қиймат солиғи тўлаш бўйича имтиёз бериш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган товарлар (ишлар, хизматлар) турлари бўйича энг яхши нархни таклиф этган;

мамлакатимизнинг бошқа корхоналари-ишлаб чиқарувчиларига нисбатан, лекин қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг яхши нархдан ошмайдиган — олиб киришда қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёз қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича энг яхши нархни таклиф этган мамлакатимиз корхонаси-ишлаб чиқарувчиси тендер голиби деб аниқланади.

60-4. Тендер иштирокчиси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилинадиган импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг яхши нарх таклиф этилган бўлса ва мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри музокаралар натижаларига кўра, қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда кўрсатилган энг яхши нархдан ошмайдиган нархни таклиф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг яхши нарх таклиф этган тендер иштирокчиси тендер голиби деб эълон қилинади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда) билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низомда:

а) 47-банднинг ўнинчи хатбошидаги учинчи жумлага «Бунда» сўзидан кейин «мамлакатимизнинг товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилари, хизматлар кўрсатувчилари) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нарх преференциялари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган» сўзлари қўшилсин;

б) 53-бандга «тижорат қисми» сўзларидан кейин «товар (ишлар, хизматлар) нархидан» сўзлари қўшилсин;

в) 74-банддан кейин қуйидаги мазмундаги 74-1-банд қўшилсин:

«74-1. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади»;

г) 76-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«76. Савдоларнинг туридан қатъи назар, танлов савдолари ғолиби танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Тендер комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда тендер шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича, шунингдек тендер савдоларида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига нарх преференциялари бериш тартибини тартибга солидиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ аниқлайди. Танлов савдолари ғолиби танлов қатнашчилари иштирокида эълон қилинади, иштирок этмаган қатнашчилар белгиланган тартибда хабардор қилинади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

90 Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 26 декабрдаги ПҚ–1023-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 февраль,
51-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 24 февралдаги 51-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-иловада:

а) 21-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) IV бўлимда:

бўлим номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«IV. Шошинч ва тез тиббий ёрдам марказлари,
тез ёрдам станциялари, ОИТСга қарши кураш Республика ва минтақавий марказлари»;**

қуйидаги таҳрирдаги 27-банд қўшилсин:

«27. ОИТСга қарши кураш Республика ва минтақавий марказлари».

2. 2-илованинг VII бўлимида:

бўлим номидаги «60 фоизга» сўзлари «75 фоизга» сўзлари билан алмаштирилсин;

7.1-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ОИТСга қарши кураш Республика ва минтақавий марказлари».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**91** Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини босқичма-босқич олиб бориш дастурини фаоллаштиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги Ф–2945-сон Фармойишини бажариш юзасидан ҳамда кўрсатиб ўтилган Фармойиш билан тасдиқланган Комиссия томонидан ўтказилган хорижий инвесторлар фаолиятини текшириш натижаларини ҳисобга олиб, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасида углеводород хом ашёси захиралари илдам ўсишини таъминлашга йўналтирилган геология-қидирув ишларини жадал ва кенг қўламда олиб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Газсаноат» очик акциядорлик жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 декабрдаги 254-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини босқичма-босқич олиб бориш дастурини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасининг инвестиция блокларида I босқич бўйича геология-қидирув ишлари ҳажми 1-иловага* мувофиқ бажарилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси билан биргаликда «Газсаноат» очик акциядорлик жамиятига Акчалак, Куаниш, Фарбий Ургин инвестиция блоклари бўйича углеводородлар конларини қидириш мақсадида геологик ўрганиш учун ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган лицензиялар қайтарилишини белгиланган тартибда таъминласин.

3. «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси томонидан «Газсаноат» очик акциядорлик жамияти билан биргаликда ишлаб чиқилган 2-иловага* мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини босқичма-босқич олиб бориш дастури асосий параметрлари билан бирга маъқуллансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасининг инвестиция блоклари ер ости бойликларини геологик ўрганиш тўғрисида» 2006 йил 6 декабрдаги 254-сон қарорининг 2-банди ва қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

* 1-2-иловалар берилмайди.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 февраль,
52-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

94 «Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига уларга тегишли пахта ёғи, шрот ва шелухани ёғ-мой корхоналари ва уларнинг шохобчаларидан ўз вақтида харид қилишлари учун кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1520-1*

(2009 йил 6 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-842-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 17 сон, 130-модда) мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 22 октябрдаги 23/9-сонли «Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига уларга тегишли пахта ёғи, шрот ва шелухани ёғ-мой корхоналари ва уларнинг шохобчаларидан ўз вақтидан харид қилишлари учун кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2005 йил 7 ноябрь, рўйхат рақами 1520 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 45-сон, 345-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 январь,
2/2-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ
ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

95 Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг
патенти берилиши учун талабномани тузиш, топши-
риш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартишлар киритиш тўғри-
сида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1361-1*

(2009 йил 6 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 30 июлдаги ЎРҚ-164-сонли «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 21 апрелдаги 22-сон буйруғи билан тасдиқланган «Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари»га (2004 йил 20 май, рўйхат рақами 1361 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 20-сон, 243-модда) иловага* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат патент
идораси директори**

Б. АМОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 январь,
11-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**96** Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг айрим
буйруқларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш
тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1907*

(2009 йил 6 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 515-модда) 12-1-иловасига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 29 августдаги 92-сонли «Автобензин ва дизел ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи (2008 йил 5 сентябрь, рўйхат рақами 1852 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37-38-сон, 383-модда);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 13 октябрдаги 100-сонли «Авиакеросин ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи (2008 йил 16 октябрь, рўйхат рақами 1866 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 42-сон, 429-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 февраль,
24-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

97 Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908*

(2009 йил 6 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 8 февралдаги 13 ва 2008-10-сон билан тасдиқланган «Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2008 йил 21 февраль, рўйхат рақами 1772 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 8-9-сон, 48-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 9 февраль,
20-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 9 февраль,
2009-9-сон

Б. ПАРПИЕВ

Молия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 9 февралдаги
20, 2009-9-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига, «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом оқ цемент ва муқобил ёқилғи — кўмирда ишлаб чиқарилган цементга татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

цементни реализация қилишдан олинган соф тушум — қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолда цементни реализация қилишдаги тушум;

ҳисоб-китоб баҳоси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан ҳар йили тасдиқладиган цементнинг баҳолар даражаси;

қўшимча фойда — цементни қопларга қадоклаш харажатлари (қоплар қиймати қўшилган ҳолда) чегириб ташланган ҳолдаги цементни реализация қилишдан олинган соф тушум билан ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги ижобий фарқ;

қўшимча фойда солиғи тўлангандан кейин солиқ тўловчи ихтиёрида қоладиган маблағ — солиқ солинадиган база билан қўшимча фойда солиғи ўртасидаги фарқ.

3. Қўшимча фойда солиғи суммаси ва қўшимча фойда солиғи тўлангандан кейин солиқ тўловчи ихтиёрида қоладиган маблағ, юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базага қўшилмайди.

II. Солиқ тўловчилар

4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш объекти пайдо бўладиган, мулкчилик шаклларида қатъи назар, цемент ишлаб чиқаришни амалга оширадиган юридик шахслар қўшимча фойда солиғини тўловчилар бўлади.

III. Солиқ солиш объекти

5. Солиқ тўловчининг ҳисобот давридаги қўшимча фойда солиғи, қўшимча фойда солиғини солиш объекти ҳисобланади.

IV. Солиқ солинадиган база

6. Солиқ солинадиган база ҳисобот даврида қўшимча фойда суммасидан келиб чиқиб, қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни чегирилиб ташланган ҳолда аниқланади.

V. Солиқ ставкаси

7. Қўшимча фойда солиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган ставка бўйича тўланади.

VI. Солиқ даври. Ҳисобот даври

8. Солиқ даври календарь йил ҳисобланади.
9. Ҳисобот даври ой ҳисобланади.

VII. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби

10. Қўшимча фойда солиғи суммаси солиқ солинадиган базанинг миқдоридан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

11. Қўшимча фойда солиғи республика бюджетига миллий валюта — сўмда ўтказилади.

12. Қўшимча фойда солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасигача иловага биноан шаклда тақдим этилади.

13. Солиқ тўловчилар қўшимча фойда солиғини ҳисобот даврида маҳсулотни реализация қилишнинг ҳақиқий ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тўлайдилар.

VIII. Қўшимча фойда солиғи ҳисобини юритиш тартиби

14. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (21-сон БХМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га мувофиқ (2002 йил 23 октябрь, рўйхат рақами 1181 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 20-сон; 2003 йил, 21-22-сон) қўшимча фойда солиғини ҳисоблаш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) қўшимча фойда солиғини ҳисоблашда:

солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи (9800) ҳисобварақнинг қўшимча очиладиган 9811 «Қўшимча фойда солиғи бўйича харажатлар» ҳисобварақининг дебети;

6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварақнинг кредити»;

б) солиқ суммасини бюджетга ўтказишда:

6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварақнинг дебети;

пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақнинг кредити.

15. Қўшимча фойда солиғини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китоб асос бўлади.

16. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл)да 9811 «Қўшимча фойда солиғи бўйича харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган, қўшимча фойда солиғи суммаси қўшимча очиладиган «Қўшимча фойда солиғи» 251-сатрида кўрсатилади.

IX. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги ва давлат солиқ хизмати органлари назорати

17. Солиқ тўловчилар қўшимча фойда солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

18. Қўшимча фойда солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Юридик шахс
штампи

Цементга қўшимча фойда солигини
ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

_____ туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекциясига
Солиқ тўловчи _____
(корхона, ташиқлотнинг номи)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Телефон _____

Тўловчи манзили _____

Ҳисоб-китоб рақами _____ -сон
(банк муассасаси номи, коди)

**Цементга қўшимча фойда солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Суммаси
Реализация қилинган цемент ҳажми	010	тонна	
Цементни қопларга қадоқлаш харажатлари (қоплар қиймати қўшилган ҳолда) ва қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолда барча ҳажмга реализация қилиш суммаси	020	минг сўм	
1 тонна цементнинг ҳисоб-китоб баҳоси	030	сўм	
Реализация қилинган цементнинг барча ҳажми ҳисоб-китоб баҳоси (010-сатр x 030-сатр)	040	минг сўм	
Барча ҳажмга қўшимча фойданинг жами суммаси (020-сатр – 040-сатр)	050	минг сўм	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар, жами ____% ставкада: (050-сатр x ____%)	060	минг сўм	
Солиқ солинадиган база (050-сатр – 060-сатр)	070	минг сўм	
Қўшимча фойда солиғининг белгиланган ставкаси	080	%	
Бюджетга тўланадиган қўшимча фойда солиғи суммаси (070-сатр x 080-сатр)	090	минг сўм	
Ўтган ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган қўшимча фойда солиғи суммаси	100	минг сўм	
Қўшимча фойда солиғи тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган сумма (070-сатр – 090-сатр)*	110	минг сўм	

* Изоҳ: Корхона ихтиёрида қолган сумма, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китобида: балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган тўловчиларнинг 020-сатри; балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлмаган тўловчиларнинг 010-сатри камаяди.

Раҳбар	_____	_____
	(имзоси)	(Ф.И.Ш.)
Бош бухгалтер	_____	_____
	(имзоси)	(Ф.И.Ш.)

200__ йил «___»_____ М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**98 Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909*

(2009 йил 6 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 21 февралдаги 15 ва 2008-11-сон билан тасдиқланган «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2008 йил 5 март, рўйхат рақами 1776 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 10-11-сон, 67-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 февраль,
21-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 февраль,
2009-10-сон

Молия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 10 февралдаги
21, 2009-10-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига, «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича табиий газни реализация ҳажмларига татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

табиий газни экспортга реализация қилишдан олинган соф тушум — қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига йўналтирилган маблағлар чегирилиб ташланган ҳолда экспортга табиий газнинг реализация қилишдан олинган тушум;

Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига йўналтирилган маблағлар — қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилиб ташланган ҳолдаги табиий газни экспортга реализация қилишдан олинган тушумнинг «қирқиш баҳосидан» ошган қисми;

ҳисоб-китоб баҳоси ва «қирқиш баҳоси» — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан ҳар йили келгуси йил учун тасдиқланадиган табиий газнинг баҳолар даражаси;

қўшимча фойда — табиий газни экспортга реализация қилишдан олинган соф тушум билан ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги ижобий фарқ.

3. Қўшимча фойда солиғи суммаси ва қўшимча фойда солиғи тўлангандан кейин солиқ тўловчи ихтиёрида қоладиган маблағ, юридик шахслардан олинган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базага қўшилмайди.

II. Солиқ тўловчилар

4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш объекти пайдо бўладиган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, табиий газни экспортга реализация қилувчи юридик шахслар қўшимча фойда солиғини тўловчилар бўлади.

III. Солиқ солиш объекти

5. Солиқ тўловчининг ҳисобот давридаги қўшимча фойда солиғи, қўшимча фойда солиғини солиш объекти ҳисобланади.

IV. Солиқ солинадиган база

6. Солиқ солинадиган база ҳисобот даврида қўшимча фойда суммасидан келиб чиқиб, қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни чегирилиб ташланган ҳолда аниқланади.

V. Солиқ ставкаси

7. Қўшимча фойда солиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган ставка бўйича тўланади.

VI. Солиқ даври. Ҳисобот даври

8. Солиқ даври календарь йилдир.

9. Ҳисобот даври ойдир.

VII. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби

10. Қўшимча фойда солиғи суммаси солиқ солинадиган базанинг миқдоридан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

11. Қўшимча фойда солиғи республика бюджетига миллий валюта — сўмда ўтказилади.

12. Қўшимча фойда солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасигача иловага биноан шаклда тақдим этилади.

13. Солиқ тўловчилар қўшимча фойда солиғини ҳисобот даврида махсуслотни реализация қилишнинг ҳақиқий ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тўлайдилар.

VIII. Солиқ тўловчи тасарруфида қоладиган маблағларни ҳисоблаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тартиби

14. Солиқ тўловчининг ихтиёрида қоладиган маблағ солиқ солинадиган база ва қўшимча фойда солиғи ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

15. Солиқ тўловчи тасарруфида қоладиган маблағлар қўшимча фойда солиғини тўлаш учун белгиланган муддатларда табиий газ учун махсус очиладиган инвестиция ҳисоб рақамига тўлиқ ҳажмда ўтказилади. Мазкур инвестиция ҳисоб рақамидан маблағлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, реализация қилиш учун белгиланган тартибда маъқулланган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга, инвестиция лойиҳаларини реализация қилиш, шунингдек асосий ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш учун жалб қилинган кредитларга хизмат кўрсатишга сарф қилинади.

16. Маблағлар солиқ тўловчининг хизмат кўрсатувчи банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилмаганда ёки махсус ҳисоб рақамда жамланган маблағлар мақсадсиз сарфланганда ушбу маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий жарималар қўлланган ҳолда тўлиқлигича давлат бюджетига ўтказилади.

IX. Қўшимча фойда солиғи ҳисобини юритиш тартиби

17. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқ-

нома»га мувофиқ (2002 йил 23 октябрь, рўйхат рақами 1181 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 20-сон; 2003 йил, 21-22-сон) қўшимча фойда солиғини ҳисоблаш билан боғлиқ операциялар ва қўшимча фойда солиғини тўлагандан кейин солиқ тўловчи тасарруфида кейинчалик мақсадли фойдаланиш учун қоладиган маблағлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) қўшимча фойда солиғини ҳисоблашда:

солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи (9800) ҳисобварақнинг қўшимча очиладиган 9811 «Қўшимча фойда солиғи бўйича харажатлари» ҳисобварақнинг дебетида;

6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварақнинг кредити;

б) солиқ суммасини бюджетга ўтказишда:

6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварақнинг дебети;

пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақнинг кредити;

в) солиқ тўловчи тасарруфида қоладиган маблағлар кейинчалик мақсадли фойдаланишда:

солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи (9800) ҳисобварақнинг қўшимча очиладиган 9830 «Қўшимча фойдадан мақсадли молиялаштиришга ажратмалар бўйича харажатлар» ҳисобварақнинг дебети;

8890 «Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварақнинг кредити;

г) солиқ тўловчи тасарруфида қоладиган маблағларни махсус ҳисобвараққа ўтказишда:

банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақнинг дебети (5500);

пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақ кредити.

18. Қўшимча фойда солиғини ва солиқ тўловчи тасарруфида кейинчалик мақсадли фойдаланиш учун қоладиган маблағларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китоб асос бўлади.

19. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сон шакл)да 9811 «Қўшимча фойда солиғи бўйича харажатлари» ҳисобварағида ҳисобга олинган, ҳисобот даври бошидан ҳисобланган қўшимча фойда солиғи суммаси қўшимча очиладиган «Қўшимча фойда солиғи» 251-сатрда, 9830 «Қўшимча фойдадан мақсадли молиялаштиришга ажратмалар бўйича харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган, ҳисобот даври бошидан ҳисобланган солиқ тўловчи тасарруфида кейинчалик мақсадли фойдаланиш учун қоладиган маблағлар суммаси эса қўшимча очиладиган «Қўшимча фойдадан мақсадли молиялаштиришга ажратмалар» 252-сатрда кўрсатилади.

20. Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ҳисобланадиган ва ўтказиладиган маблағлар билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда акс эттирилади:

а) табиий газни реализация қилиш баҳосининг (қўшилган қиймат со-

лиғи ва акциз солиғи чегирилиб ташланган ҳолдаги) табиий газ учун «қирқиш баҳоси»дан ошиши ҳисобига юзага келган суммалар Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ҳисобланганда:

4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» ҳисобварағининг дебети;

суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи ҳисобварақда (6500) қўшимча очиладиган «Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тўловлар» ҳисобварағининг кредити;

б) табиий газни реализация қилиш баҳосининг (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилиб ташланган ҳолдаги) табиий газ учун «қирқиш баҳоси»дан ошиши ҳисобига юзага келган суммалар Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказилганда:

суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи ҳисобварақда (6500) қўшимча очиладиган «Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тўловлар» ҳисобварағининг дебети;

пул маблағлари ҳисобини юритувчи ҳисобварақнинг кредити

Х. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги ва давлат солиқ хизмати органлари назорати

21. Солиқ тўловчилар қўшимча фойда солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши, шунингдек солиқ тўловчининг хизмат кўрсатувчи банкдаги махсус ҳисоб рақамига маблағларни ўтказилиши ва махсус ҳисоб рақамдаги маблағларни мақсадли ишлатилиши учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

22. Қўшимча фойда солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Юридик шахс
штампи

Табиий газга қўшимча фойда солиғини
ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

_____ туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекциясига
Солиқ тўловчи _____
(корхона, таъшилотнинг номи)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Телефон _____

Тўловчи манзили _____

Ҳисоб-китоб рақами _____

(банк муассасаси номи, коди)

**Табиий газга қўшимча фойда солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Суммаси
Экспортга реализация қилинган табиий газ ҳажми	010	минг куб. м	
Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилиб ташланган ҳолда барча ҳажмга реализация қилиш суммаси*	020	АҚШ долл.	
Ҳисобот даврида валюта тушумини сотиш санасидаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўртача курси (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича)	030	сўм	
Контракт бўйича 1000 куб. м табиий газни қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилиб ташланган ҳолда реализация қилиш нархи (020-сатр / 010-сатр)	040	АҚШ долл.	
шу жумладан, табиий газ учун «қирқиш баҳоси» доирасида	0401	АҚШ долл.	
1000 куб. м табиий газ учун ҳисоб-китоб нархи	050	АҚШ долл.	
Умумий ҳажмга қўшимча фойданинг жами суммаси (ижобий фарқ (0401-сатр – 050-сатр) х 010-сатр)	060	АҚШ долл.	
Қўшимча фойдага тўғри келадиган қисми бўйича ер қаъридан фойдалангани учун солиғи, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар, жами % ставкада: (060-сатр х %)	070	АҚШ долл.	
Солиқ солинадиган база (060-сатр – 070-сатр)	080	АҚШ долл.	
Қўшимча фойда солиғининг белгиланган ставкаси	090	%	
Бюджетга тўланадиган қўшимча фойда солиғи суммаси	100		
(080-сатр х 090-сатр)	1001	АҚШ долл.	
(1001-сатр х 030-сатр / 1000)	1002	минг сўм	
Ўтган ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган қўшимча фойда солиғи суммаси	110	минг сўм	

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Суммаси
Кўшимча фойда солиғи тўлангандан кейин ташкилот тасарруфида қоладиган ва махсус ҳисобварақда жамланадиган сумма (080-сатр – 1001-сатр)	120	АҚШ долл.	

* Агар табиий газни экспортга қўшилган қиймат солиғисиз реализация қилинса, у ҳолда фақат акциз солиғи чегирилиб ташланади.

Раҳбар _____
(имзоси) (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер _____
(имзоси) (Ф.И.Ш.)

200__ йил «__» _____ М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

99 **Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1910

(2009 йил 7 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1047-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори**

А. АБДУВАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 февраль,
1-П-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 февраль,
8-сон

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлиги,
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2009 йил 10 февралдаги
1-П, 8-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан
тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 355-модда), «Стандартлаштириш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 46-модда), «Метрология тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 48-модда), «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 50-модда), «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 59-модда), «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 239-модда), «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 8-модда), «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси

публикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 212-модда) қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1047-сонли «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 5-сон, 34-модда) мувофиқ, тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати, яъни озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи ҳамда озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария нормалари ва қоидаларига мослиги устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан кейинги ўринларда «Ўзстандарт» агентлиги деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказиладиган назоратнинг ягона принципини белгилайди ҳамда тайёр гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва сақловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларда тизимли комплекс назорат, стандартлар, ўлчовлар ягоналигини таъминлаш ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати, сертификатланган маҳсулот устидан инспекцион назоратни амалга ошириш, шунингдек статистик ва бошқа маълумотнинг таҳлилини (бундан кейинги ўринларда назорат деб юритилади) ўтказишда қўлланилади.

2. Статистик ва бошқа маълумотнинг таҳлили (мониторинг) «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси томонидан тақдим этилган, ўзаро тасдиқланган режа-жадвалига мувофиқ, бошқа манфаатдор томонларнинг иштирокида «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси томонидан амалга оширилади.

3. Норматив ҳужжатларнинг талабларига риоя қилмаган гўшт-сут маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга, назорат давомида аниқланган сифатсиз гўшт-сут маҳсулотларини сотаётган хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек истеъмолчиларнинг эътирозларини ўрганиш асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ, «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколоти доирасида чоралар қўлланилади.

4. «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси ўзининг ваколоти доирасида фаолияти гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади.

II. Гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан назорат ўтказиш тартиби

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш босқичида гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат «Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматларни инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари» (2005 йил 6 апрель, рўйхат рақами 1464 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 106-модда) ва «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (2005 йил 28 ноябрь, рўйхат рақами 1525 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 360-модда), шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

6. Назоратни амалга оширишда асосий кўриладиган масалалар қуйидагилар ҳисобланади:

технологик жараёнларнинг мавжудлиги, чорвачилик хом ашёсини комплекс қайта ишлаш учун асбобларнинг ўзлаштирилиши ва ишлаши ҳамда тайёр гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

гўшт ва гўшт маҳсулотларининг амалдаги ишлов бериш жараёнларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш;

тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш, транспортда ташиш, сақлаш жараёнида йўқотишларни бартараф этиш мақсадида берилган технологик ва ҳимоя хусусиятлари билан ўрамларнинг янги турларини жорий этиш ҳамда гўшт-сут маҳсулотларининг яроқлилик муддатини уларнинг озиқ-овқат қиймати-ни сақлаган ҳолда узайтириш;

асбоблар ва технологик жараёнлар, гўшт ва сут маҳсулотларини сертификатлаштириш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;

гўшт-сут маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган норматив, техник ҳужжатлар, технологик йўриқномаларнинг мавжудлиги;

амалдаги норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини ишлаб чиқиш;

сут маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқиш (қатиқли, творогли маҳсулотлар, қаймоқли пасталар, спредлар ва бошқалар);

узоқ яроқлилик муддатига эга бўлган, ёғли сут хом ашёсидан (қаймоқлар, қаймоқли ва пишлоқбоп ёғ) сут ёғини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

транспортда ташишнинг санитария-гигиена шартларини ўз ичига оладиган, гўшт хом ашёсининг сифатини ошириш тизимини ишлаб чиқиш;

молни сўйишдан олдинги тайёргарлик ва сўйиш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш;

гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда озиқ-овқат қўшимчаларини ишлатишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш жараёни ва ҳайвон оксили, ўсимлик ёғлари, микронутриентларнинг (витами́нлар, минерал моддалар, политўйинмаган ёғли кислоталарнинг) танқислигини бартараф этиш ҳамда асосий озиқ-овқат ингредиентлари ва энергетик қийматининг сақланишини таъминлаш мақсадида махсус мўлжалланган гўшт маҳсулотларининг янги турларини ўрганиш;

болаларнинг парҳезли ва даволаш-профилактика озукалари учун гўшт-ўсимлик маҳсулотлари, болалар озуқаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш жараёнларини ўрганиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган, сақланаётган ва сотилаётган гўшт-сут маҳсулотларининг сифати;

қадоқланган гўшт-сут маҳсулоти миқдорининг мувофиқлиги, шунингдек унинг параметрларини амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

истеъмолчига сифатсиз, шунингдек тамғаланиши бузилган ёки яроқлилик муддати ўтган гўшт-сут маҳсулотини сотишнинг олдини олиш;

республикада ишлаб чиқарилаётган ва четдан олиб келинаётган гўшт-сут маҳсулотларининг сифати масалалари бўйича маълумотларни тўплаш;

музлатиш камералари ва тарасининг санитария ҳолатини ҳисобга олган ҳолда сақлашда намлик ва ҳарорат режими, товарларни ёнма-ён сақлаш тартибининг бузилиши, омборхоналарда яроқлилик муддати ўтиб кетган маҳсулотнинг мавжудлиги, санитария-гигиена хулосалари, гигиена сертификатлари, мувофиқлик сертификатлари ва ишлашга руҳсати бўлган ишчиларда тиббий китобчаларнинг мавжудлиги;

музлатиш камераларининг санитария ҳолати, уларда керакли ҳарорат режимига риоя қилиш;

истеъмолчиларнинг адашишини олдини олиш мақсадида амалдаги стандартлар асосида гўшт-сут маҳсулотлари тамғасининг мавжудлиги.

7. Маҳсулот ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш босқичида назорат натижалари бўйича ўрнатилган тартибда далолатнома тузилади.

8. Ўзстандарт агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутахассислари аккредитация қилинган синов лабораторияларида ўз ваколатлари доирасида гўшт-сут маҳсулотларининг синовини ўтказди ва натижалари бўйича ўрнатилган шаклдаги синов баённомалари тузилади.

9. Ишлаб чиқарувчилар қуйидагиларга:

технологик линиялар ва асбоб-ускуналарнинг стандартлаштиришга оид норматив ҳужжатлар, технологик йўриқномалар, санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига мувофиқлигига;

саноат корхоналарининг техник жиҳозланганлиги технологик талабларга мувофиқлигига;

хом ашёни йўқотиш меъёрлари, тайёр маҳсулотнинг чиқиши, маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг параметр-

лари ва тартибларини ҳисобга олган ҳолда, технологик журналларни юри-тишга;

гўшт-сут саноати корхоналари учун стандартлаштириш, санитария ва ветеринария меъёрлари ва қоидалари бўйича меъёрий ҳужжатларнинг та-лабларига риоя қилиши керак.

10. Ишлаб чиқарувчилар хом ашёнинг кириш назоратини, тайёр гўшт-сут маҳсулотини чиқариш ва технологик жараёнлар босқичида технокимё-вий назоратини ўтказиш бўйича аккредитация (аттестация) қилинган иш-лаб чиқариш лабораторияларига, лабораторияси бўлмаган корхоналар эса синовларни ўтказишга аккредитация (аттестация) қилинган лабораториялар билан битишувларга эга бўлиши керак.

III. Жавобгарлик

11. Мазкур Низомга риоя қилиниши устидан назоратни «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатли шахслари амалга оширадилар.

12. Ваколатли шахсларнинг хулосалари билан рози бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда уларнинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

13. Гўшт-сут маҳсулотларини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ваколатли шахсларининг ҳара-катлари устидан юқори турувчи мансабдор шахс ёки бевосита судга шикоят қилиниши мумкин.

IV. Яқуний қоида

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 февраль*

*«Ўзгўштсутсаноат»
уюшмаси раиси в.б.*

С. РАСУЛОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

100 **Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911*

(2009 йил 7 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда) қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 январь,
2009-05-сон

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази бош директорининг
2009 йил 30 январдаги
2009-05-сонли буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 61-модда) қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини шакллантириш тартибини ўрнатади.

Мазкур Низом талаблари акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестрини шакллантириш тартибига татбиқ қилинади.

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

анкета маълумотлари — рўйхатга олинган қимматли қоғозлар эгасини идентификациялаш имконини берадиган маълумотлар;

қимматли қоғозларни номинал сақловчи — қимматли қоғозлар эгаларининг реестрида рўйхатдан ўтказилган, қимматли қоғозларнинг эгаси бўлмаган ҳолда бошқа шахснинг (қимматли қоғозлар эгасининг ёки у вакил қилган шахснинг) топшириғига биноан қимматли қоғозларни сақлаш, ҳисобга олиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни амалга оширувчи депозитарий;

қимматли қоғозлар эгалари реестри (кейинги ўринларда — реестр) — рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга қарашли эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозларнинг номи, миқдори, номинал қиймати ва тоифаси, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхати;

реестрни шакллантириш тўғрисида топшириқнома — топшириқномада кўрсатилган санага қимматли қоғозлар эгалари реестрини шакллантириш тўғрисида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига берилган кўрсатмани ўз ичига олувчи ҳужжат;

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг сўровномаси (кейинги ўринларда — сўровнома) — реестрни шакллантириш тўғрисидаги

топшириқномада кўрсатилган санага қимматли қоғозлар эгалари ва уларга тегишли қимматли қоғозлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисида номинал сақловчига берилган кўрсатмани ўз ичига олувчи ҳужжат;

қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати — қимматли қоғозлар эгаларининг анкета маълумотларини, эгасига тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг тури, типи ва сонини, шунингдек қимматли қоғозларга юклатишлар фактларига доир маълумотларни ўз ичига оладиган, белгиланган санага шакллантирилган ҳужжат;

қимматли қоғозлар эгаси — қимматли қоғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

депозитарийнинг операция куни — депозитарий Регламентида белгиланган депозитарийнинг иш кундаги депозитар операцияларни бажариш вақти;

фонд бозорида электрон ҳужжат айланиши тизими (кейинги ўринларда — ЭҲА тизими) — бозор иштирокчилари ўртасида электрон ҳужжатларни шакллантириш, жўнатиш ва қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш имконини берувчи, электрон ҳужжатларни (ахборотни) алмашиш учун қўлланиладиган ҳар бир қимматли қоғозлар бозори иштирокчисининг дастурий-техник воситалари мажмуи;

трансфер-агент — қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш тизимига тааллуқли ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва уларни топшириш бўйича эмитентга хизматлар кўрсатувчи юридик шахс;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази.

II. Реестр юрителиш тизими

2. Реестр юрителиш тизими марказий рўйхатга олувчи функциясини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси (кейинги ўринларда — Марказий депозитарий) ва номинал сақловчи ҳисобланган депозитарийларнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар йиғиндисиدير.

3. Реестр юрителиш тизимида қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг олувчига ўтиши қимматли қоғозлар эгаларининг Марказий депозитарий ва депозитарийлардаги депо ҳисобварақлари бўйича депозитар операцияларни ўтказиш йўли билан депозитар операциялар стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварақига тегишли кириш ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварақидан кўчирма билан тасдиқланади. Қимматли қоғоз билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан олувчига ўтади.

4. Реестрни шакллантириш Марказий депозитарий ва номинал сақловчиларнинг ҳисоб регистрларидан:

эмитент ва у томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;

қимматли қоғозлар эгаларининг анкета маълумотлари, уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг сони, номинал қиймати, тури, шунингдек қимматли қоғозларга мажбуриятлар юклатилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва ишлов бериш йўли билан Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади.

5. Реестр эмитентнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобини амалга оширувчи депозитарийларнинг операция куни якунида қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақлари ҳолати бўйича реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномада кўрсатилган санага шакллантирилади.

6. Реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) эмитент тўғрисидаги ахборот:

эмитентнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), телефон;

эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, санаси ва органи, хизмат кўрсатувчи банк номи, МФО коди, талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағининг рақами (миллий валютадаги), солиқ тўловчининг идентификация рақами, КТУТ коди;

мансабдор шахсларнинг Ф.И.Ш. ва уларнинг телефонлари;

устав капитали, чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий сони, қимматли қоғозларнинг номинал қиймати;

б) Марказий депозитарий тўғрисидаги ахборот:

тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), телефон, факс;

давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, санаси ва органи, хизмат кўрсатувчи банк номи, миллий ва чет эл валюталаридаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварақлари рақами, МФО коди, солиқ тўловчининг идентификация рақами, КТУТ коди;

мансабдор шахсларнинг Ф.И.Ш. ва уларнинг телефонлари;

в) эмитентнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари тўғрисидаги ахборот:

чиқарилиш(лар)нинг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ва санаси, рўйхатдан ўтказиш органи, чиқарилиш(лар)нинг тартиб рақами, қимматли қоғозларнинг тури ва типи, Марказий депозитарийнинг кодификацияси бўйича қимматли қоғоз коди, чиқарилишдаги умумий сон;

г) эмитентнинг қимматли қоғозлари тўғрисидаги ахборот:

Марказий депозитарийнинг кодификацияси бўйича қимматли қоғоз коди, қимматли қоғозларнинг тури ва типи, қимматли қоғозлар ҳар бир тури ва типининг умумий сони, жойлаштирилган қимматли қоғозлар сони, эмиссия ҳисобварағидаги жойлаштирилмаган ва қимматли қоғозлар эмитентининг ихтиёрига келиб тушган қимматли қоғозлар қолдиғи;

д) қимматли қоғозлар эгаси тўғрисидаги ахборот:

Депонентларнинг ягона базасидаги эгасининг коди, қимматли қоғозлар

эгасининг анкета маълумотлари, қимматли қоғозларнинг (типи бўйича тақсимланган ҳолдаги) сони, қимматли қоғозларга мажбуриятлар юклатилганлиги фактлари;

устав фондидаги улуши ва овозлар сони (акциялар учун).

7. Қимматли қоғозлар эгасининг анкета маълумотлари қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

жисмоний шахслар учун — фамилияси, исми, шарифи (охиргиси мавжуд бўлган тақдирда), шахсини тасдиқловчи ҳужжат тури, серияси, рақами, берилган санаси ва берган орган, рўйхатдан ўтган яшаш манзили ва турар манзили, шунингдек СТИР коди ва банк реквизитлари (улар мавжуд бўлган тақдирда);

юридик шахслар учун — юридик шахснинг тўлиқ номи, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ва санаси, рўйхатга олишни амалга оширган орган номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва КТУТ коди (резидент учун), унинг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари.

8. Реестрда қимматли қоғозларнинг эгалари тўғрисидаги ахборот:

юридик шахслар;

жисмоний шахслар;

инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар гуруҳларига ажратилган бўлиши керак;

9. Қимматли қоғозлар эгаси ёки номинал сақловчининг реестрни юритиш тизимидаги рўйхатга олиш рақами унинг Депоментлар ягона базасидаги коди ҳисобланади.

10. «Олтин акция»ни жорий этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган акциядорлик жамиятининг реестрига давлат вакили ҳам киритилади.

11. Эмитент тўғрисидаги, эмитент қимматли қоғозларининг чиқарилишлари, Марказий депозитарий ва қимматли қоғозлар эгаларининг анкета маълумотлари тўғрисидаги ахборотлар (қимматли қоғозлар эгаларининг манзиллари ва банк реквизитларидан ташқари) реестрга Марказий депозитарийнинг ҳисоб регистрларидан киритилади.

12. Эгаларига тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг сони, тури, типи ва қимматли қоғозларга мажбуриятлар юклатилганлиги фактлари, шунингдек қимматли қоғозлар эгаларининг манзиллари ва банк реквизитлари тўғрисидаги ахборотлар реестрга ушбу қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи депозитарийларнинг (Марказий депозитарий ва номинал сақловчиларнинг) ҳисоб регистрларидан киритилади.

13. Реестрни юритиш тизимининг ҳужжатлари:

реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома;

Марказий депозитарийнинг сўрови;

қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатлари;

реестр;

қабул қилинган топшириқномалар ва сўровлар, шунингдек берилган реестрларнинг ҳисоби қайд этилувчи журналлар.

14. Эмитент, трансфер-агент, Марказий депозитарий ва номинал сақ-

ловчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги депозитар шартнома ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

15. Марказий депозитарий ва номинал сақловчиларнинг қимматли қоғозларнинг эгаси билан ўзаро ҳамкорлиги депозитар шартномага мувофиқ амалга оширилади.

III. Реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома

16. Реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома Марказий депозитарийга эмитентнинг ижроия органи томонидан юборилади.

17. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг сўровномаси бўйича реестрни шакллантириш сўровномада кўрсатилган муддатларда, топшириқнома тузилмасдан амалга оширилади. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг сўровномаси бўйича реестрни шакллантириш ва тақдим этишнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

18. Реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома топшириқномани юборган ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

19. Эмитентнинг ижроия органи номидан реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани ваколатли шахслар имзолари намуналари билан эмитентнинг эмиссия ҳисобварағининг нотариал тасдиқланган карточкаси мавжуд бўлган тақдирда Марказий депозитарий текшириш ва бажариш учун қабул қилади.

20. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун акциялар эгаларининг реестрларини шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома Марказий депозитарийга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан уч иш кунидан кечиктирилмасдан тақдим этилади (юборилади) ва ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

эмитентнинг номи;

акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси;

умумий йиғилишнинг йиллик ёки навбатдан ташқари эканлиги тўғрисидаги кўрсатма;

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санаси;

акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси.

21. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа корпоратив ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида акциялар эгалари реестрини шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома эмитент томонидан Марказий депозитарийга реестр шакллантирилиши керак бўлган санагача беш иш кунидан кечиктирилмасдан тақдим этилади ва ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

эмитентнинг номи;

ўтказилаётган корпоратив ҳаракат тури;

реестрни шакллантириш санаси.

22. Корпоратив облигациялар реестрини шакллантириш тўғрисидаги

топшириқнома эмитент томонидан Марказий депозитарийга реестр шакллантирилиши керак бўлган санагача беш иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади ва ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

эмитентнинг номи;

облигацияларнинг типи ва чиқарилишнинг тартиб рақами;

реестрни шакллантириш санаси.

23. Мазкур Низомнинг 20 — 22-бандларида назарда тутилмаган ҳолатларда реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома эмитент томонидан Марказий депозитарийга реестр шакллантирилиши керак бўлган санагача беш иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади ва ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

эмитентнинг номи;

реестрни шакллантириш санаси.

24. Реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани қабул қилганидан сўнг, Марказий депозитарий қуйидагиларга текширишни амалга оширади:

топшириқномани имзолаган шахснинг имзосини нотариал тасдиқланган карточкада кўрсатилган эмитентнинг ваколатли шахсларининг имзолари намуналари билан мувофиқлиги;

топшириқномада мазкур Низомнинг 20 — 23-бандларига мувофиқ зарурий ахборотнинг мавжудлиги.

25. Қуйидаги ҳолатларда Марказий депозитарий реестрни шакллантиришни рад этади:

топшириқномани имзолаган шахснинг имзосини нотариал тасдиқланган карточкада кўрсатилган эмитентнинг ваколатли шахсларининг имзолари намуналари билан мувофиқ келмаган тақдирда;

тақдим этилган топшириқномада мазкур Низомнинг 20 — 23-бандларига мувофиқ барча зарурий ахборотлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолатларда.

26. Марказий депозитарийнинг реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажаришни рад этиши реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома келиб тушган санадан бошлаб икки иш кунидан кечиктирмасдан юборилади. Топшириқномани бажаришни рад этиш асосланган, ёзма шаклда тузилган, Марказий депозитарийнинг ваколатли шахси томонидан имзоланган бўлиши керак.

27. Реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажаришни асосланмаган ҳолда рад этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

IV. Реестрни шакллантириш тартиби

28. Реестр қуйидаги ҳолларда шакллантирилади:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш мақсадида акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш расмий эълон қилинган санадан ўттиз календарь кун олдин;

акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқини беришга акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш расмий эълон қилинган санадан уч календарь кун олдин;

корпоратив ҳаракатларни ўтказиш учун;

корпоратив облигациялар бўйича даромадларни ҳисоблаш ёки тўлаш учун;

кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг сўровномаси бўйича;

конун ҳужжатларига мувофиқ фонд биржасида мажбурий листинг қилинадиган акциядорлик жамиятларининг йиллик рўйхатини аниқлаш учун;

конун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли давлат органларининг сўровномалари бўйича реестрдан ахборотни ошкор қилиниши учун.

29. Мазкур Низомнинг 28-бандида кўрсатилмаган бошқа ҳолатларда реестр эмитент ижроия органининг топшириқномасига асосан, кузатув кенгашининг қарори мавжуд бўлган кузатув кенгашининг баённомасидан кўчирма илова қилинган ҳолда, шакллантирилади.

30. Мазкур Низомда белгиланган тартибда тақдим этиладиган реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома ёки ваколатли давлат органининг сўровномаси реестрни шакллантиришга асос бўлади.

31. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш мақсадида Марказий депозитарий ахборотни ошкор қилиш тўғрисидаги сўровномани шакллантиради ва тегишли номинал сақловчиларга:

агар реестрни шакллантириш санаси келгуси санага тўғри келса — топшириқномада кўрсатилган реестрни шакллантириш санасидан кейинги иш куни соат 12 дан кечиктирмасдан;

агар реестрни шакллантириш санаси ўтган санага тўғри келса — эмитентнинг топшириқномаси келиб тушган санадан кейинги иш куни соат 12 дан кечиктирмасдан юборади.

32. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқини беришга реестрни шакллантириш учун Марказий депозитарий ахборотни ошкор қилиш тўғрисидаги сўровномани шакллантиради ва тегишли номинал сақловчиларга реестрни шакллантириш санасидан кейинги иш куни соат 12 дан кечиктирмасдан юборади.

33. Бошқа ҳолатларда Марказий депозитарий ахборотларни ошкор қилиш тўғрисидаги сўровномани шакллантиради ва тегишли номинал сақловчиларга:

агар реестрни шакллантириш санаси келгуси санага тўғри келса — топшириқномада кўрсатилган реестрни шакллантириш санасидан кейинги иш куни соат 12 дан кечиктирмасдан;

агар реестрни шакллантириш санаси ўтган санага тўғри келса — эмитентнинг топшириқномаси келиб тушган санадан кейинги иш куни соат 12 дан кечиктирмасдан юборади.

34. Номинал сақловчилар томонидан ахборотни ошкор қилиш тўғрисидаги сўровнома қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

Марказий депозитарий сўровномасининг тартиб рақами;

номинал сақловчининг номи;

эмитентнинг номи;

Марказий депозитарий кодификацияси бўйича қимматли қоғозларнинг номи, типи ва коди;

реестр шакллантириладиган сана;

ахборотни тақдим этиш муддати.

35. Марказий депозитарийнинг сўровномаси номинал сақловчига қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини тақдим этишга асос бўлади.

36. Номинал сақловчи қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган формат ва таркиб бўйича электрон хужжат кўринишида тақдим этади.

37. Марказий депозитарий томонидан реестрни шакллантириш фақатгина барча номинал сақловчилардан қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатлари қабул қилинганидан сўнг амалга оширилади.

38. Инвестиция воситачиси мижозларининг унга битимлар тузиш учун берилган қимматли қоғозлари, шунингдек у томонидан шартномалар асосида мижозлар билан тузилган битимлар бўйича олинган қимматли қоғозлар инвестиция воситачисининг ҳар бир мижозининг идентификация маълумотлари, унинг қимматли қоғозлар сони, тури ва типи кўрсатилган ҳолда Марказий депозитарийда алоҳида ҳисобварақларда сақланади.

39. Реестрни шакллантириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

хужжатсиз ва Марказий депозитарийда ҳаракатсизлантирилган хужжатли қимматли қоғозлар бўйича топшириқномада кўрсатилган санага Марказий депозитарий ва номинал сақловчилар ҳисоб регистрларидан қимматли қоғозлар эгалари депо ҳисобварақларидаги қимматли қоғозлар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш орқали;

реестрни шакллантириш санасига Марказий депозитарийда ҳаракатсизлантирилмаган эгаси ёзилган хужжатли қимматли қоғозлар бўйича 2008 йил 22 июль ҳолатига шакллантирилган ва эмитент томонидан Марказий депозитарийга тақдим этилган реестр маълумотларига асосан;

реестрни шакллантириш санасига Марказий депозитарийда ҳаракатсизлантирилмаган эгаси ёзилмаган хужжатли қимматли қоғозлар, шунингдек илгари хужжатсиз шаклга конвертацияланган қимматли қоғозлар эмитентнинг махсус депо ҳисобварағида умумлаштирилган ҳолда акс эттирилади. Реестрда эмитентнинг махсус депо ҳисобварағида умумлаштирилган ҳолда акс эттирилган акциялар жойлаштирилган акциялар деб ҳисобланади.

40. Номинал сақловчи томонидан қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини сўровномада кўрсатилган муддатда тақдим этилмаган тақдирда Марказий депозитарий шу ҳақда бир иш кунидан кечиктирмасдан эмитент ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини огоҳлантириши шарт.

41. Реестрни шакллантиришда Марказий депозитарийнинг номинал сақ-

ловчилар билан ўзаро муносабатлари маълумотларни қабул қилиш, топшириш ва қайта ишлаш орқали амалга оширилади.

42. Марказий депозитарий томонидан шакллантирилган ва ундан олинган реестрга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

43. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига ўзгартиришлар фақат мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш ҳолатлардагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

44. Қимматли қоғозлар эгаларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва хатоларни тузатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унга хизмат кўрсатувчи депозитарийда эгасининг депо ҳисобварағи бўйича қимматли қоғозлар билан зарурий операцияларни ўтказиш қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

45. Номинал сақловчи Марказий депозитарийга қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатини қуйидагича тақдим этади:

Марказий депозитарийнинг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи реестрни шакллантириш тўғрисидаги сўровномаси эрталаб соат 10 гача келиб тушган тақдирда — ахборотни шу куннинг соат 13 га қадар тақдим этади;

Марказий депозитарийнинг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи реестрни шакллантириш тўғрисидаги сўровномаси эрталаб соат 10 дан кейин келиб тушган тақдирда — ахборотни кейинги куннинг соат 13 га қадар тақдим этади;

бошқа ҳолатларда — ахборотни Марказий депозитарийнинг сўровномаси келиб тушганидан сўнг бир иш куни давомида тақдим этади.

V. Реестрни бериш тартиби

46. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш учун реестр мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ электрон ҳужжат кўринишида шакллантирилади.

47. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва корпоратив облигациялар бўйича даромадларни тўлаш учун реестр мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ электрон ва қоғоз ҳужжат кўринишида тегишлича шакллантирилади.

48. Электрон ҳужжат кўринишидаги реестр электрон ҳужжатлар айланмаси ЭҲА тизими ёки ахборотни электрон ташиш мосламаси орқали берилади.

Қоғоз ҳужжат кўринишидаги реестр ваколатли шахснинг ёзма сўровномасига асосан берилади.

49. Қоғоз ҳужжат ёки ахборотни электрон ташиш мосламадаги электрон ҳужжат кўринишидаги реестр эмитентга ёки унинг трансфер-агентига ишончнома асосида берилади, ёки почта орқали юборилади.

50. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш мақсадида реестр Марказий депозитарий томонидан қўйидагича берилади:

электрон ҳужжат кўринишида реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажариш санасидан сўнг беш иш кунидан кечиктирмасдан;

қоғоз ҳужжат кўринишида реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажариш санасидан сўнг етти иш кунидан кечиктирмасдан.

51. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциялари эгаларининг реестри Марказий депозитарий томонидан қўйидагича берилади:

электрон ҳужжат кўринишида реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажариш санасидан сўнг бир иш кунидан кечиктирмасдан;

қоғоз ҳужжат кўринишида реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажариш санасидан сўнг икки иш кунидан кечиктирмасдан.

52. Бошқа ҳолатларда реестр Марказий депозитарий томонидан қўйидагича берилади:

электрон ҳужжат кўринишида реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажариш санасидан сўнг беш иш кунидан кечиктирмасдан;

қоғоз ҳужжат кўринишида реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажариш санасидан сўнг етти иш кунидан кечиктирмасдан.

53. Реестрни бериш Марказий депозитарий ва эмитент ўртасида тузилган эмиссиявий шартномада кўрсатилган усул билан амалга оширилади.

54. Жамиятнинг кузатув кенгашига реестр қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг тегишли кўрсатмаси асосида шакллантирилиши ва берилиши мумкин.

55. Реестрни бериш санаси, реестрни бериш усули реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномаларни қабул қилиш ва реестрни бериш журналида қайд этилади. Журнал хронологик тартибда юритилади. Марказий депозитарий журнални қоғоз ҳам, электрон кўринишларда ҳам юритиши мумкин.

56. Марказий депозитарийнинг реестрни шакллантирган жавобгар шахсининг электрон рақамли имзоси билан имзоланган электрон ҳужжат кўринишидаги реестр электрон почта ёки ахборотни электрон ташиш мосламаси орқали берилади.

VI. Эмитент, Марказий депозитарий ва номинал сақловчининг мажбуриятлари

57. Акциядорлик жамияти бўлган эмитент қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бир ойдан кечиктирмасдан Марказий депозитарий билан шартнома тузиши ва у билан ҳамкорликни таъминлаши шарт:

мазкур Низом кучга киргунга қадар ташкил этилган акциядорлик жамиятлари учун — мазкур Низом кучга кирган санадан бошлаб;

мазкур Низом кучга кирганидан сўнг ташкил этилган акциядорлик жамиятлари учун — юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб.

58. Эмитент ўз вақтида Марказий депозитарийга:

эмиссиявий шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани имзолаш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли шахсларнинг ўзгарганлиги тўғрисида;

трансфер-агентнинг мавжудлиги ёки унинг алмашганлиги тўғрисида;

трансфер-агент ваколатларининг тугатилганлиги тўғрисида;

эмитент номидан реестрни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ўзгарганлиги тўғрисида;

ўзининг жойлашган ери (почта манзили)нинг ўзгарганлиги тўғрисида ёзма равишда ахборот бериши шарт.

59. Эмитент Марказий депозитарийдан олинган реестрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда сақлаши шарт.

60. Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида хабардор қилиш учун реестр шакллантирилганидан сўнг, шунингдек унда қатнашиш учун йигирма кун давомида эмитент реестр билан танишганлигини тасдиқловчи ўзининг асосий мухри босилган реестрнинг қоғоз шаклидаги бир нусхасини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига тақдим этади.

61. Эмитент:

топшириқномада кўрсатилган реестрни шакллантириш санасини тўғри белгиланганлигига;

реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани ўз вақтида тақдим этилишига;

реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномада мавжуд бўлган ахборотнинг ҳақиқийлигига;

реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномадаги мансабдор шахсларнинг имзолари ҳақиқийлигига;

реестрда мавжуд бўлган махфий ахборотни ошкор этилганига жавобгардир.

62. Марказий депозитарий:

номинал сақловчилардан қимматли қоғозлар эгалари рўйхатларини талаб этиш ҳамда олишга;

номинал сақловчилардан қимматли қоғозлар эгалари ҳисобварақлари бўйича ўтказилган операциялар тўғрисидаги ахборотни ва уларни ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар нусхаларини талаб этиш ҳамда олишга;

номинал сақловчилардан қимматли қоғозлар эгаларининг анкета маълумотларига ўзгартиришлар киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини талаб этиш ҳамда олишга ҳақли.

63. Марказий депозитарий:

ҳар ҳафта, ҳафтанинг ҳар биринчи иш кунинида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига берилган реестрлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишга;

мазкур Низомда белгиланган тартибда реестрни шакллантиришни таъминлашга;

у томонидан шакллантирилган реестрларни электрон хужжат кўринишида доимий сақлашга;

реестрлардаги мавжуд ахборотнинг махфийлигини таъминлашга мажбур, қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

64. Реестрни шакллантириш давомида Марказий депозитарий мазкур Низом меъёрлари ва номинал сақловчилар билан ўзаро ҳамкорлик тартибига риоя этилишига жавобгардир.

65. Марказий депозитарий реестрлардаги ахборотни монополияга қарши давлат органига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментига, судларга, агар бу уларнинг ваколати доирасида бўлса, қўзғатилган жиноят иши бўлган тақдирда эса тергов ва суриштирув органларига уларнинг ёзма фармойиши асосида ошкор қилади.

66. Марказий депозитарий:

эмитент томонидан реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома ўз вақтида тақдим этилмаганлиги муносабати билан реестрни шакллантириш ва беришнинг кечиктирилганлигига;

номинал сақловчи томонидан тақдим этилган ахборотнинг тўғрилигига жавобгар бўлмайди.

67. Номинал сақловчи:

қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини Марказий депозитарийнинг сўровномасида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда тақдим этишга;

Марказий депозитарийнинг сўровномасига биноан қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини тақдим этишга;

Марказий депозитарийдан олинган билдиришномалар асосида унда ҳисобда турган қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари реквизитларига ўзгартиришлар киритишга;

кейинчалик муомалада бўлиши ва зарурий хужжатларни тақдим этилгунга қадар қимматли қоғозлар эгасининг ҳисобварағидаги ҳаракатни тўхта-тиш билан, Марказий депозитарийдан олинган билдиришномалар асосида қимматли қоғозлар эгасининг анкета маълумотларига ўзгартиришлар кири-тишга мажбур.

68. Номинал сақловчи:

қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини тақдим этишни рад этганлиги;

Марказий депозитарийга қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини ўз вақтида тақдим этмаганлиги;

Марказий депозитарийга тақдим этилган қимматли қоғозлар эгалари рўйхатларидаги маълумотларни ўзининг ҳисоб регистрларидаги мавжуд бўлган маълумотларига номувофиқлиги;

тасдиқловчи хужжатларсиз қимматли қоғозлар эгасининг анкета маълумотларига ўзгартиришлар киритиши учун жавобгар, Марказий депозита-

рийнинг билдиришномаси асосида ўзгартиришлар киритиш холлари бундан мустасно.

69. Номинал сақловчи томонидан реестрни шакллантириш учун зарур бўлган қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини тақдим этмаслиги қонун ҳужжатларини қўпол равишда бузилиши ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унга берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатилишига сабаб бўлади.

70. Агар қимматли қоғозлар эгаси ўзининг анкета маълумотларини ўзгарганлиги тўғрисида ва бу ҳақда ўз вақтида тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, унинг реестрдаги анкета маълумотлари аниқлигига номинал сақловчи жавобгар бўлмайди.

71. Марказий депозитарийга қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини тақдим этиш бўйича номинал сақловчи харажатларининг қопланиши улар ўртасидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

VII. Яқуний қоидалар

72. Мазкур Низом талабларининг бузилишига айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

73. Эмитент, трансфер-агент, Марказий депозитарий ва номинал сақловчи ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

74. Ушбу Низом талабларига амал қилиниши бўйича назоратни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи амалга оширади.

75. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 30 январь*

Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар
эгалари реестри тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Файл топширилаётганда реестрни шакллантирган
шахснинг электрон рақамли имзоси билан имзоланади**

200__ йил «__» _____ ҳолати бўйича облигациялар эгаларининг
РЕЕСТРИ

Эмитент тўғрисидаги ахборот:

Тўлиқ номи:			
Қисқача номи:			
АЖнинг типи:			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:		Факс:	
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:		рўйхатдан ўтказилган сана:	
		давлат рўйхатидан ўтказган орган:	
Банкнинг номи:		деп. ҳ/в р:	
		МФО:	
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:		Лавозими:	
		Телефон:	
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:		Лавозими:	
		Телефон:	
Чиқарилиш ҳажми: (сўмда)		Жойлаштирилаётган облигациялар сони:	
		Номинал:	

Марказий рўйхатдан ўтказувчи тўғрисида ахборот:

Тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси			
Қисқача номи: ЎзР МД			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:		Факс:	
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:		рўйхатдан ўтказилган сана:	
		давлат рўйхатидан ўтказган орган:	
Банкнинг номи:		деп. ҳ/в р:	
		МФО:	
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:		Лавозими:	
		Телефон:	
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:		Лавозими:	
		Телефон:	

ЎзР МД
 Чикувчи _____ -сон 200__ й. «___» _____

Эмитентнинг чиқарилишлари бўйича ахборот:

Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами	Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси	Давлат рўйхатидан ўтказган органи	Чиқарилиш рақами	ҚҚ тури	ҚҚ коди	Чиқарилишдаги сони

ЖАМИ:

Эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича ахборот:

ҚҚ коди	ҚҚ тури	Қимматли қоғозлар сони		
		жойлаштирилди	эмиссиявий ҳисобварағи бўйича қолдиқ	ҳаммаси
			ЖАМИ:	

	Реестр шакллантириладиган сана
	Эгасининг типи
	Тартиб рақами
	Эгасининг депонентлар Ягона базасидаги коди
	Эгасининг номи
	Облигацияларнинг умумий сони
	Мажбуриятлар юклатилган облигациялар сони
	Мажбуриятлар юклатилмаган облигациялар сони
	Эгасининг СТИР коди
	Эгасининг КТУТ коди
	Эгасини идентификацияловчи ҳужжат (давлат рўйхатидан ўтказилганлиги)
	Ҳужжат рақами
	Ҳужжат серияси
	Ҳужжат берилган сана
	Ҳужжатни берган орган
	МХБТ юридик коди (қайд этилган)
	Эгасининг почта манзили (қайд этилган)
	МХБТ жойлашган жой коди (яшаш жойи)
	Турар жой манзили (яшаш жойи)
	Эгасининг депозит ҳисобварағининг рақами
	Банкнинг номи
	Банкнинг МФО коди
	Чиқарилишдаги фоизи

**Файл топширилатганда реестрни шакллантирган
шахснинг электрон рақамли имзоси билан имзоланади**

200__ йил «__» _____ ҳолати бўйича акциядорлар
РЕЕСТРИ

Эмитент тўғрисидаги ахборот:

Тўлиқ номи:			
Қисқача номи:			
АЖнинг типи:			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:		Факс:	
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:	рўйхатдан ўтказилган сана:	давлат рўйхатидан ўтказган орган:	
Банкнинг номи:		деп. ҳ/в р:	МФО:
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	
Чиқарилиш ҳажми: (сўмда)	Жойлаштирилаётган акциядорлар сони:	Номинал:	

Марказий рўйхатдан ўтказувчи тўғрисида ахборот:

Тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси			
Қисқача номи: ЎзР МД			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:		Факс:	
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:	рўйхатдан ўтказилган сана:	давлат рўйхатидан ўтказган орган:	
Банкнинг номи:		деп. ҳ/в р:	МФО:
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	

ЎзР МД
 Чиқувчи _____-сон 200__ й. « ____ » _____

Эмитентнинг (акциялар) чиқарилишлари бўйича ахборот:

Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами	Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси	Давлат рўйхатидан ўтказган органи	Чиқарилиш рақами	ҚҚ тури	ҚҚ коди	Чиқарилишдаги сони

ЖАМИ:

Эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича ахборот:

ҚҚ коди	ҚҚ тури	Қимматли қоғозлар сони		
		жойлаштирилди	эмиссиявий ҳисобварағи бўйича қолдиқ	ҳаммаси
			ЖАМИ:	

	Реестр шакллантириладиган сана
	Эгасининг типи
	Тартиб рақами
	Эгасининг депонентлар Ягона базасидаги коди
	Эгасининг номи
	Акцияларнинг умумий сони
	Мажбуриятлар юклатилган оддий акциялар сони
	Мажбуриятлар юклатилган имтиёзли акциялар сони
	Мажбуриятлар юклатилмаган оддий акциялар сони
	Мажбуриятлар юклатилмаган имтиёзли акциялар сони
	Эгасининг СТИР коди
	Эгасининг КТУТ коди
	Эгасини идентификацияловчи ҳужжат (давлат рўйхатидан ўтказилганлиги)
	Ҳужжат рақами
	Ҳужжат серияси
	Ҳужжат берилган сана
	Ҳужжатни берган орган
	МХБТ юридик коди (қайд этилган)
	Эгасининг почта манзили (қайд этилган)
	МХБТ жойлашган жой коди (яшаш жойи)
	Турар жой манзили (яшаш жойи)
	Устав капиталидаги улуши
	Овозлар сони
	Эгасининг депозит ҳисобварағининг рақами
	Банкнинг номи
	Банкнинг МФО коди
	Қўшимча ахборот (тузилманинг номи)

Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар
эгалари реестри тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

ТАСДИҚЛАНГАН

ЎзР қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси
Лавозими: _____
Ф.И.Ш. _____
20 ____ й. « ____ » _____

**200__ йил « ____ » _____ ҳолати бўйича облигациялар эгаларининг
РЕЕСТРИ**

Эмитент тўғрисидаги ахборот:

Тўлиқ номи:			
Қисқача номи:			
АЖнинг типи:			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:		Факс:	
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:		рўйхатдан ўтказилган сана:	
Давлат рўйхатидан ўтказган орган:		деп. х/в р:	
Банкнинг номи:		МФО:	
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:		Лавозими:	
Телефон:		Телефон:	
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:		Лавозими:	
Телефон:		Телефон:	
Чиқарилиш ҳажми: (сўмда)		Жойлаштирилаётган облигациялар сони:	
Номинал:			

Марказий рўйхатдан ўтказувчи тўғрисида ахборот:

Тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси			
Қисқача номи: ЎзР МД			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:		Факс:	
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:		рўйхатдан ўтказилган сана:	
Давлат рўйхатидан ўтказган орган:		деп. х/в р:	
Банкнинг номи:		МФО:	
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:		Лавозими:	
Телефон:		Телефон:	
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:		Лавозими:	
Телефон:		Телефон:	

ЎзР МД
 Чикувчи _____ -сон 200__ й. «___» _____

Эмитентнинг чиқарилишлари бўйича ахборот:

Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами	Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси	Давлат рўйхатидан ўтказган органи	Чиқарилиш рақами	ҚҚ тури	ҚҚ коди	Чиқарилишдаги сони

ЖАМИ:

Эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича ахборот:

ҚҚ коди	ҚҚ тури	Қимматли қоғозлар сони		
		жойлаштирилди	эмиссиявий ҳисобварағи бўйича қолдиқ	ҳаммаси
			ЖАМИ:	

Эгалари (юрidik шахслар)

Т/р	ЎзР МДда рўйхатдан ўтказилган шахснинг коди	ҚҚ эгасининг номи	Корпоратив облигация		СТИР КТУТ	Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжатнинг рақами, берилган сана, ким томонидан берилган	Чиқари- лишдаги фози
			мажбуриятлар юклатилган облигацияларнинг сони	мажбуриятлар юклатилмаган облигацияларнинг сони			

Ҳаммаси

Эгалари (жисмоний шахслар)

Т/р	ЎзР МДда рўйхатдан ўтказилган шахснинг коди	ҚҚ эгасининг Ф.И.Ш.	Корпоратив облигация		Ҳужжат, серияси	Ҳужжатнинг рақами, берилган сана, ким томонидан берилган	Чиқари- лишдаги фози
			мажбуриятлар юклатилган облигацияларнинг сони	мажбуриятлар юклатилмаган облигацияларнинг сони			

Ҳаммаси

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари

Т/р	ЎзР МДда рўйхатдан ўтказилган шахснинг коди	ҚҚ эгасининг номи	Корпоратив облигация		СТИР КТУТ	Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжатнинг рақами, берилган сана, ким томонидан берилган	Чиқари- лишдаги фози
			мажбуриятлар юклатилган облигацияларнинг сони	мажбуриятлар юклатилмаган облигацияларнинг сони			

Ҳаммаси

ЖАМИ

Реестрни шакллантириш учун жавобгар:

Депозитарий оператори: _____
(Ф.И.Ш. имзо)Бошқарма бошлиғи _____
(Ф.И.Ш. имзо)

ТАСДИҚЛАНГАН

ЎзР қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси

Лавозими: _____

Ф.И.Ш. _____

20 ____ й. « ____ » _____

**200__ йил « ____ » _____ ҳолати бўйича акциядорларнинг
РЕЕСТРИ**

Эмитент тўғрисидаги ахборот:

Тўлиқ номи:			
Қисқача номи:			
АЖнинг типи:			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:	Факс:		
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:	рўйхатдан ўтказилган сана:	давлат рўйхатидан ўтказган орган:	
Банкнинг номи:		деп. х/в р:	МФО:
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	
Чиқарилиш ҳажми: (сўмда)	Жойлаштирилаётган акциялар сони:	Номинал:	

Марказий рўйхатдан ўтказувчи тўғрисида ахборот:

Тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси			
Қисқача номи: ЎзР МД			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:	Факс:		
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:	рўйхатдан ўтказилган сана:	давлат рўйхатидан ўтказган орган:	
Банкнинг номи:		деп. х/в р:	МФО:
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	

ЎзР МД
 Чиқувчи _____ -сон 200__ й. « ____ » _____

Эмитентнинг (акциялар) чиқарилишлари бўйича ахборот:

Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами	Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси	Давлат рўйхатидан ўтказган органи	Чиқарилиш рақами	ҚҚ тури	ҚҚ коди	Чиқарилишдаги сони

ЖАМИ:

Эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича ахборот:

ҚҚ коди	ҚҚ тури	Қимматли қоғозлар сони		
		жойлаштирилди	эмиссиявий ҳисобварағи бўйича қолдиқ	ҳаммаси
			ЖАМИ:	

Эгалари (юрidik шахслар)

Т/р	ЎзР МДда рўйхатдан ўтказилган шахснинг коди	ҚҚ сақловчининг номи	Мажбуриятлар юклатилмаган акцияларнинг сони		Мажбуриятлар юклатилган акцияларнинг сони		СТИР КТУТ	Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжатнинг рақами, берилган сана, ким томонидан берилган	УКдаги улуши	Овозлар сони
			оддий	имтиёзли	оддий	имтиёзли				

Ҳаммаси

Эгалари (жисмоний шахслар)

Т/р	ЎзР МДда рўйхатдан ўтказилган шахснинг коди	ҚҚ сақловчининг номи	Мажбуриятлар юклатилмаган акцияларнинг сони		Мажбуриятлар юклатилган акцияларнинг сони		Ҳужжат, серияси	Ҳужжатнинг рақами, берилган сана, ким томонидан берилган	УКдаги улуши	Овозлар сони
			оддий	имтиёзли	оддий	имтиёзли				

Ҳаммаси

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари

Т/р	ЎзР МДда рўйхатдан ўтказилган шахснинг коди	ҚҚ сақловчининг номи	Мажбуриятлар юклатилмаган акцияларнинг сони		Мажбуриятлар юклатилган акцияларнинг сони		СТИР КТУТ	Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжатнинг рақами, берилган сана, ким томонидан берилган	УКдаги улуши	Овозлар сони
			оддий	имтиёзли	оддий	имтиёзли				

Ҳаммаси

ЖАМИ

Овозларнинг умумий сони:

Йигилишда иштирок этаётган овозлар сони:

Депозитарий оператори: _____
(Ф.И.Ш. имзо)Бошқарма бошлиғи _____
(Ф.И.Ш. имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

101 **Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солигининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус очиладиган ҳисобварағига ўтказиш ва уни ишлатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1912*

(2009 йил 7 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ– 1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда)ги қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солигининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус очиладиган ҳисобварағига ўтказиш ва уни ишлатиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 6 мартдаги 27 ва 2007-23-сон «Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солигининг бир қисмини Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2007 йил 28 март, рўйхат рақами 1666 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 26-сон, 126-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 февраль,
14-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 февраль,
2009-5-сон

Молия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 3 февралдаги
14, 2009-5-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг
бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
махсус очиладиган ҳисобварағига ўтказиш ва уни ишлатиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 515-модда)ги қарорига мувофиқ ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналардан олинадиган акциз солиғининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус очиладиган ҳисобварағига (кейинги ўринларда — Махсус ҳисобварақ) ўтказиб бериш ва уни ишлатиш тартибини белгилайди.

**I. Ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарда
акциз солиғининг бир қисмини ҳисоблаш тартиби**

1. Махсус ҳисобвараққа ўтказиб бериладиган акциз солиғининг бир қисми ўсимлик (пахта) ёғи учун акциз солиғининг умумбелгиланган ставкаси бўйича ҳисобланадиган ва мазкур акциз солиғининг Давлат бюджетига тўланадиган суммалари ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланади.

Махсус ҳисобвараққа ва Давлат бюджетига ўтказиладиган ўсимлик (пахта) ёғига ҳисобланадиган акциз солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

**II. Махсус ҳисобвараққа акциз солиғининг бир қисмини
ўтказиб бериш ва уни ишлатиш тартиби**

2. Корхоналар ўсимлик (пахта) ёғини, саломас ва «Ўзбекистон» ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ бундан мустасно, сотишдан умумий ҳисобланган акциз солиғининг тўлов топшириқномасини акциз солиғини тўлаш муддатларида хизмат кўрсатувчи банкка юборади. Тўлов топшириқномасида акциз солиғининг умумий суммаси билан бирга бюджетга ҳамда Махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган акциз солиғининг суммаси белгиланган миқдорда алоҳида ажратилиб кўрсатилиши шарт. Бунда, Махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган акциз солиғининг суммаси кўрсатилмаган тўлов

топшириқномасини хизмат кўрсатувчи банкка ижро учун топширишга йўл қўйилмайди.

3. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки билан тузилган солиштирма далолатномага асосан Ўзбекистон Республикаси кафолати асосида жалб қилинган кредитни сўндирилмаган суммаси тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг хулосасига асосан Махсус ҳисобварақда жамланган маблағни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Ўзбекистон Республикаси кафолати билан жалб қилинган кредитни сўндириш учун «МТ Инвест-Импекс» республика ташқи савдо фирмасининг ТИА Миллий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Амалиёт бошқармасидаги МФО 00451, ИНН 201292107, 20210000300429574006 рақамли махсус ҳисобварағига ўтказилади.

5. «МТ Инвест-Импекс» республика ташқи савдо фирмаси икки банк иш кунида махсус ҳисобвараққа келиб тушган маблағларни конвертация қилиш учун йўналтиради.

Конвертация қилинган маблағлар икки банк иши кунида Ҳукумат кафолати билан жалб қилинган кредитларни сўндиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси кафолати асосида жалб қилинган кредит тўлиқ сўндирилган ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим қилган кредит тўлиқ сўндирилганлиги тўғрисидаги солиштирма далолатномага асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Махсус ҳисобварақда жамланган маблағни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўлиқ Давлат бюджетига ўтказилади.

7. Ушбу Низом кучга кирганга қадар «Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисида низом» (2007 йил 28 март, рўйхат рақами 1666 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 26-сон, 126-модда)га асосан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси кафолати асосида жалб қилинган кредитни сўндиришга йўналтирилмаган маблағлар тўлиғича Махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

III. Жавобгарлик ва назорат

8. Ўсимлик (пахта) ёғи сотишни амалга оширувчи корхоналар Махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган акциз солиғининг бир қисмини тўғри ҳисобланишига қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

9. Махсус ҳисобварақдаги маблағни ушбу Низомда кўзда тутилмаган бошқа мақсадлар учун ишлатиш тақиқланади.

10. Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини тўғри ҳисобланиши ва махсус ҳисобвараққа тўлиқ ўтказилишининг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назорат Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

IV. Якуний қоида

11. Мазкур Низом Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси билан келишилган.

*Ёғ-мой ва озиқ-овқат
саноати уюшмаси раиси*

Р. БЎРИЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 2 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК
ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

102 Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 619-2*

(2009 йил 7 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»-ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилди:**

1. Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибининг (1999 йил 5 февраль, рўйхат рақами 619 — Меърий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 3-сон) биринчи банди тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар — Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатларидир».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 февраль,
01-02/12-3-сон

**«Ўзбекистон темир йўллари»
Давлат акциядорлик темир
йўл компанияси раиси**

А. РАМАТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 февраль,
95-юр-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 февраль,
25-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 февраль,
120-В-2-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

103 **Банклар ва уларга алоқадор шахслар ўртасида ўтказиладиган операциялар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 556-1

(2009 йил 9 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банклар ва уларга алоқадор шахслар ўртасида ўтказиладиган операциялар тўғрисидаги низомга (1998 йил 2 декабрь, рўйхат рақами 556) иловага* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 23 февраль,
5/2-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

104 Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 557-7

(2009 йил 9 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомга (1998 йил 2 декабрь, рўйхат рақами 557) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 23 февраль,
5/1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 21 февралдан 27 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига уларга тегишли пахта ёғи, шрот ва шелухани ёғ-мой корхоналари ва уларнинг шохобчаларидан ўз вақтида харид қилишлари учун кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 24 январдаги 2/2-сонли қарори.*

2009 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1520-1 (2009 йил 6 мартдан кучга киради).

2. «Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси директорининг 2009 йил 20 январдаги 11-сонли буйруғи.*

2009 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1361-1 (2009 йил 6 мартдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг айрим буйруқларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 17 февралдаги 24-сонли буйруғи.*

2009 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1907 (2009 йил 6 мартдан кучга киради).

4. «Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 9 февралдаги 20, 2009-9-сонли қарори.*

2009 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908 (2009 йил 6 мартдан кучга киради).

5. «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 февралдаги 21, 2009-10-сонли қарори.*

2009 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909 (2009 йил 6 мартдан кучга киради).

6. «Тайёр гушт-сут махсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 10 февралдаги 1-П, 8-сонли қарори.*

2009 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1910 (2009 йил 7 мартдан кучга киради).

7. «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 30 январдаги 2009-05-сонли буйруғи.*

2009 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911 (2009 йил 7 мартдан кучга киради).

8. «Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус очиладиган ҳисобварағига ўтказиш ва уни ишлатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 3 февралдаги 14, 2009-5-сонли қарори.*

2009 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1912 (2009 йил 7 мартдан кучга киради).

9. «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, бағажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 18 февралдаги 01-02/12-3, 95-юр, 25, 120-В-2-сонли қарори.*

2009 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 619-2 (2009 йил 7 мартдан кучга киради).

10. «Банклар ва уларга алоқадор шахслар ўртасида ўтказиладиган операциялар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 23 февралдаги 5/2-сонли қарори.*

2009 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 556-1 (2009 йил 9 мартдан кучга киради).

11. «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 23 февралдаги 5/1-сонли қарори.*

2009 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 557-7 (2009 йил 9 мартдан кучга киради).

II. Давлат реестрдан чиқарилди:

1. «Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига уларга тегишли пахта ёғи, шрот ва шелухани ёғ-мой корхоналари ва уларнинг шохобчаларидан ўз вақтида харид қилишлари учун кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1520, 2005 йил 7 ноябрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 45-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. «Автобензин ва дизел ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1852, 2008 йил 5 сентябрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 47-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. «Авиакеросин ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1866, 2008 йил 16 октябрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 47-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. «Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1772, 2008 йил 21 февраль).*

Адлия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 48-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1776, 2008 йил 5 март).*

Адлия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 49-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

6. «Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор. *Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1666, 2007 йил 28 март).*

Адлия вазирининг 2009 йил 25 февралдаги 52-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг куйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

